

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ЯРАТИШ

**О.А. Парпиев-техника фанлари номзоди  
Андижон машинасозлик институти**

Ҳозирги пайтда, кишлок хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим масала ҳисобланади ва сув хўжалиги иншоотларини ишлатиш ва замонавийлаштиришга давлат бюджетидан жуда катта маблағ ажратилмоқда. Бу ерда бош мезон сувнинг ҳисоб-китобини унинг биринчи манъбаи (сув омбори, дарё ва ҳоказолар) дан, то бевосита истеъмолчи (фермер даласи) гача тўғри юритиш ҳисобланади. Энг асосий вазифалардан бири сувни таксимлаш ва бошқаришни самарали маданиятли услубини амалга оширишдир. Бунинг учун аниқ сув ўлчаш имкониятларига эга бўлиш керак. Фақатгина сув омборидан магистрал каналларгача, магистрал каналлардан хўжаликлараро каналларгача, хўжаликлараро каналлардан ҳар бир қулоқларгача сувни аниқ миқдорини билиш орқалигина, аниқ ўлчай олиш ёрдамидагина, кўзлаган мақсадга эришиш мумкин.

Шу сабабли ҳам мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши замон талаби саналади. Уларнинг тажрибавий кўникмаларини орттириш йўлларида бири уларнинг малакасини оширишда ўқитишнинг замонавий ва илғор усулларида фойдаланиш кўзланган самарани беради.

Ҳозирги кунга қадар шу соҳа мутахассисларининг малакасини оширишда ўқитишнинг анъанавий усулларида катта эътибор қаратилмоқда. Яъни назарий ва амалий материаллар тингловчиларга ўқитувчи марказда бўлган услублар асосида тақдим этилмоқда.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бу вазиятда энг асосий роль, катта ёшдаги ўқувчилар контингентининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олувчи, олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёнидан тубдан фарқланувчи, ўқитиш услубиятидан фойдаланишгина биз кутган самарани бериши мумкин.

Ўқитишда замонавий таълим технологияларининг қўлланилиши, ишлаб чиқариладиган ўқув-услубий материалларнинг замон руҳига мос бўлиши, илғор техника ва технологияларнинг уларда акс этиши, тингловчилар томонидан тегишли кўникмаларни ҳосил қилишда муҳим омил саналади.

Бу борада, Ўзбекистон-Швейцария “Ўзбекистонда касбий кўникмаларни ривожлантириш” лойиҳаси томонидан бир қанча ижобий натижаларга эришилганлигининг гувоҳими бўлмоқдамиз. Масалан, шу кунгача, лойиҳа томонидан лақали ишчи кадрларни тайёрлашга йўналтирилган, яъни бирон бир касбни эгаллаш ёки турдош касбга эга бўлиш йўналишида услубий жиҳатдан янгича ёндошув ишлаб чиқилган.

Бевосита ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг муаммоларини ечишга қаратилган билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш

имкониятини берадиган мазкур ўқув қўлланма, менинг назаримда, ҳар қандай малака ошириш курсларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар учун, жуда зарурий ва керакли қўлланма вазифасини бажаради деб умид қиламиз.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг касбий малакаларга асосланган мутахассислар тайёрлашни кўзда тутадиган модуль концепцияси асосида ишлаб чиқилган, амалиётга йўналтирилган, “Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва назорат қилиш” тажрибавий ўқув қўлланмаси айнан ана шу мақсадга йўналтирилган.

Сув хўжалиги ва мелиорация соҳасини танқидий нуқтаи назардан кўздан кечирсақ, бу соҳада ҳозир ишлаб келаётган мутахассисларнинг таълим даражаси ва касбий маҳорат савиясини талаб даражасидан паст эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин: бу мутахассисларнинг билим савияси етарли эмаслиги ва замон талабларига мос келмаслиги яққол кўриниб қолди.

Бу муаммони ҳал этишнинг биринчи йўли, таълим муассасаларини тамомлаган, янги кадрларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, иккинчиси эса мавжудларининг малакасини орттириш, уларни қайта тайёрлаш ҳисобланади. Авваломбор, сўнгги йилларда тармоқ олий таълим муассасалари битирувчилари, қишлоқ хўжалигига қараганда обрўлироқ фаолият соҳасини танлашга уринаётгани сир эмас. Шу соҳада фаолит кўрсатишни ният қилганларнинг тегишли кўникмага эга бўлишлари учун бир неча йил керак бўлади. Қолаверса уларнинг олий таълим муассасасида олган назарий билимларининг ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилмаганлиги маълум бўлиб қолмоқда. Бевосита ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг муаммоларини ечишга қаратилган билим ва кўникмаларгина соҳа мутахассисларига бу йўналишда асқотиши мумкин. Қўшимча турдош мутахассисликни эгаллаш, қўшимча кўникмаларга эга бўлиш, янги дастурий таъминотни ўрганиш малака ошириш шаклларида бири бўлиши мумкин. Бундай тадбирлар ходимларнинг универсаллашувига олиб келади ва бу сўзсиз, иш берувчилар учун катта ютуқ ҳисобланади.

Сув хўжалиги ва мелиорация соҳасида рўй бераётган ижобий силжишлар, кириб келаётган янги техника ва технологиялар бу соҳа мутахассисларининг малакасини даврий орттириб бориш заруриятини келтириб чиқаради. Иш берувчиларнинг талаблари борган сари ортиб бормоқда ва бундай малака ошириш курслари битирувчиларининг меҳнат бозорида танлаш имконияти ортади ва рақобатчилар олдида бир қатор афзилликларга эга бўладилар.

Бундай курслар, кўпинча, битирувчиларга зарур бўлади, чунки олий таълим муассасида олинган билимлар ҳажми ва даражаси, аксарият ҳолларда, иш излаб борилганда, қўйиладиган талабларга мос келмайди. Бундан ташқари, қонунларга киритилиб турадиган ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва офисда янги технологияларнинг татбиқ этилиши, замонавий ихтиро ва янгиликлар, ҳар бир алоҳида олинган ходимдан ва корхонадан мунтазам изланишни, такомиллашиб боришни тақозо этади.

Мазкур **“Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва назорат қилиш”** модулли дастури сув хўжалиги сектори мутахассислари,

Энг аввало, сув хўжалиги ташкилотлари муҳандислари, техник ва операторлари, сув истеъмолчилари уюшмаларининг раҳбарлари учун тайёрланган.

Малака ошириш курсининг давомийлиги, ўқитишнинг модулли технологияси бўйича, 48 соатга мўлжалланган. Ўқув қўлланма бевосита амалий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган қуйидаги 9 та модулдан иборат:

1. Сув хўжалиги соҳасидаги ислохотлар. Сувдан фойдаланишнинг қонуний ва ҳуқуқий асослари. Трансчегаравий дарёлар, уларнинг сув ресурсларини бошқариш
2. Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолати ва кадастри
3. Ерлар мелиоратив ҳолатини назорат қилиш тизими ва кадастр юритиш тартиби
4. Ирригация тармоқларида сув сарфини аниқлаш усул ва воситалари.
5. Ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш
6. Мелиоратив объектлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш
7. Коллектор-дренаж тармоқлари ва улардан фойдаланиш тартиби
8. Геодезик асбоблардан фойдаланиш тартиби
9. Замонавий ахборот технологияларини ирригация ва мелиорация соҳасига тадбиқ этиш

Услубий жиҳатлари Ўзбекистон-Швейцария “Ўзбекистонда касбий кўникмаларни ривожлантириш” IV фаза лойиҳаси ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган сув хўжалиги ва мелиорация мутахассислари малакасини ошириш учун модулли ўқув материаллари тўплами Халқаро Меҳнат Ташкилотининг модуль концепцияси асосида ишлаб чиқилган. Бу концепция касбий малакаларга (вазифаларга) асосланган мутахассислар тайёрлашни кўзда тутади ва бевосита амалиётга йўналтирилганлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Амалиётга йўналтирилган ушбу ўқув қўлланма сув хўжалиги ва мелиорация мутахассислари, хусусан, сув хўжалиги ташкилотлари муҳандислари, техник, гидротехник, гидрометр ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг раҳбар ходимлари малакасини ошириш учун мўлжалланган. Ундан шунингдек, касб-ҳунар коллежларида “Суғориладиган ерлар мелиоратив тизимлари техниги” касбининг, техник-гидротехник, техник-мелиоратор ва техник-гидрометр ихтисосликлари бўйича махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун ўқув–дидактив материал сифатида тавсия этилади.